



Давлат герби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги 616-ХII-сонли [«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»](#)ги Қонуни билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «O'zbekiston» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Ҳумо қуши ва дарёлар — кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «O'zbekiston» ёзуви — олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангида; чаноқлардаги пахта — оқ рангида; лента — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар — оқ рангида тасвирланган.